


ISSN 2181-8584

IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№1(19).2020

*Journal of Irrigation
and Melioration*



Р.Т. Газиева, А.М. Нигматов, Э.О. Озодов Минимизация схем управления с помощью логических элементов.....	64
А.И. Анарбаев, Д.Б. Кодиров, Р.А. Захидов, Б. Усманов Вопросы энергосбережения в насосных установках.....	67
Р.А. Захидов, А.И. Анарбаев, Д.Б. Кодиров, Ф.Х.Мухтаров Опыт создания комбинированных энергокомплексов на основе возобновляемых источников энергии.....	71

СУВ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ ВА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Қ. Рахмонов, М.О. Абдурахимова Қишлоқ хўжалиги субъектлари учун ер кадастри маълумотлар тизимини яратиш зарурияти.....	77
Қ. Рахмонов Ер контури - ер кадастрини юритишда бирламчи манба.....	81

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

А. Рамазанов Прогноз и программирование урожая в орошаемой зоне.....	86
---	----

УЎТ: 528.441(083.133): 332.334.004.725.7

ЕР КОНТУРИ - ЕР КАДАСТРИНИ ЮРИТИШДА БИРЛАМЧИ МАНБА

Қ.Рахмонов - и.ф.н., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Ер кадастрини юритишда ер участкаси таркибидаги контурлар ёрдамида электрон маълумотларни шакллантириш фойдаланувчиларга сезиларли даражада қулайликлар яратади. Ушбу тушунчага асосланган ҳолда ер кадастри ишларида муҳим ўрин тутадиган ер участкаси ҳудудида жойлашадиган ер контурларини шакллантириш шартлари, омиллари ва элементларининг хусусиятлари очиқ берилган. Хусусан, ер контури таркибига кирувчи элементлар, яъни чегараси, майдон ва тартиб рақамларини шакллантириш шартлари ва таркиби мақолада алоҳида ўз аксини топган. Тадқиқотлар натижасида "ер контури" тушунчасига аниқлик киритилган ва таркиби мақолада алоҳида ўз аксини топган. Тадқиқотлар натижасида "ер қишлоқ хўжалик ер турларининг таркиби муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли муаллиф ер турларини "бевосита" ва "билвосита" шаклдаги фойдаланиш гуруҳларига ажратган ҳолда тавсифларини тизимлаш асосида кўрсатиб берган. Ер участкасидаги контурлар таркибида ўзга ердан фойдаланувчи субъектларга тегишли майдонларни ҳам алоҳида контур сифатида кўрсатиш асослаб берилган. Тадқиқотларига кўра амалдаги "Ер майдонларини контурлар қайдномаси" га зарурий тузатмалар киритишнинг услубий жиҳатлари асослаб берилган. Мақола таркибида қайд этилган муаммо ва ечимлар ер кадастри ахборотномаларининг сифатини оширишга ҳамда истеъмолчиларга ишончли тарзда етказишга хизмат қилади.

Таянч сўзлар: ер контури, ер участкаси, ер кадастри-ахбороти, ер баланси, сервитут, ер кадастри ахборотлар базаси.

ЗЕМЕЛЬНЫЙ КОНТУР - ПЕРВИЧНЫЙ ИСТОЧНИК ВЕДЕНИЯ ЗЕМЕЛЬНОГО КАДАСТРА

Қ.Рахмонов - к.э.н., доцент

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

Формирование электронных данных с помощью схемы земельного участка при ведении земельного кадастра обеспечивает значительное удобство для пользователей. Исходя из этого понятия, приведены условия, факторы и элементы формирования контуров земельных участков внутри земельного участка, что играет важную роль в земельно-кадастровой работе. В частности, элементы контура земли, то есть условия и состав границы, площадь и порядок формирования чисел, отражены в статье. В исследованиях внесена ясность в понятие земельного контура. Известно, что состав земель сельскохозяйственного назначения играет важную роль в формировании земельно-кадастровой информации. Поэтому представлены систематические описания типов земель по группам прямого и косвенного использования. Контур земельного участка принадлежащих другим землепользователям областей, представлены в качестве отдельных контуров. Согласно исследованиям, методологические аспекты внесения необходимых корректировок в существующий земельный участок реестра являются обоснованными. Проблемы и решения, упомянутые в статье, повысят качество земельно-кадастровой информации и обеспечат надежный охват потребителей.

Ключевые слова: земельный контур, земельный участок, информация о земельном кадастре, баланс земли, сервитут, база данных о земельном кадастре.

IMPORTANCE OF CREATING A SYSTEM OF LAND AND CADASTRAL DATA FOR SUBJECTS OF AGRICULTURE

K.Rakhmonov - c.e.s., associate professor

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

The generation of electronic data using the land plot scheme while maintaining the land cadastre provides significant convenience for users. Based on this concept, the author explains the conditions, factors and elements of the formation of the contours of land within the land, which plays an important role in the land cadastral work. In particular, the elements of the contour of the earth, that is, the conditions and composition of the border, the area and the order of formation of numbers, are reflected in a separate figure. It is known that the composition of agricultural land plays an important role in the formation of land cadastral information. Therefore, systematic description of land types by direct and indirect use groups. The contours of the land are based on the indication of areas belonging to other land users as separate contours. According to the author's study, the methodological aspects of making the necessary adjustments to the existing land of the registry are justified. The problems and solutions mentioned in the article will improve the quality of land cadastral information and ensure reliable coverage of consumers.

Key words: land database, land plot, land cadastre information, land balance, easement, land cadastre information.

Кириш. Ер кадастри ахборот маълумотларни ўзгартириш жараёнлари ҳақидаги замонaviй тасаввурларни акс эттирувчи кенг тушунчадир. Ер кадастри ахбороти тизимидаги ишларнинг муваффақият гарови – бу бошқарув ва компьютер технологияларидан оқилона ва уйғунлиқда фойдаланишдир. Ҳозирги даврда электрон техниканинг бир қатор соҳалардаги жумладан, ер кадастри соҳасидаги ютуқлар ҳам ахборот технологиялар имкониятидан фойдаланиш соҳасини кенгайтиради. Бу ютуқлар ер ахборотларини ихчамлашуви ва таннарх бирлигига маҳсулдорлик ўсишига олиб келади. Иқтисодийнинг турли тармоқлари қатори ер кадастрини тезкор услубларда юритилиши, юқори сифатли картографик материаллар тайёрлаш, ер фондини тақсимланиши ва қайта тақсимланиши, ердан фойдаланиш бўйича ҳисоботларни тузиш ва бошқа қатор замонaviй талаблар асосида юритишда кенг фойдаланилмоқда. Давлат ер кадастрини юритишнинг асосий бўғинларидан бири – ер майдонлари, уларнинг сифати, жойлашуви, ҳолати, қиймати ва бошқа кўрсаткичлар бўйича тўпланган маълумотларни қайта ишлашдир. Маълумотларнинг қайта ишлашнинг ахборот технологиялари яхши тизимлашган вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган. Бу технология мутахассис меҳнатидаги такрорланувчи жараёнларни автоматлаштириш мақсадларида қўлланилади. Шу боис ахборот технологиялари тизимларини ер контурлари даражасида қўллаш ер кадастри ахбороти базасини яратувчи ходимларнинг меҳнат самарадорлигини ва маълумотлар ишончилигини анча оширади. Ер кадастри ахборот технологиясининг асосий мақсади – ахборотни нафақат ер участкаси балки ер контури даражасида сақлаш ва узатишни ташкил этишдир. Бу эса маълумотларни қайта ишлашнинг компьютер тизимини ўзида ифодалайди ва бу борада маълумотларни контурлар кесимида шакллантириш катта аҳамият касб этади. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда ердан самарали фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Зеро Президентимиз таъкидлаганларидек, "... ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш – энг муҳим вазифалардан биридир" [1]. Электрон ҳисоблаш бошлангандан буён гарблик тадқиқотчилар ва амалиётчилар бозор ахборотларини оммавий ер баҳолашга тадбиқ қилишга ўтдилар [2]. Демак, ҳозирги кунда замонaviй компьютер дастурлари ёрдамида электрон услубларда ер кадастри ахборот тизимини яратишдан мақсад ер ва кўчмас мулк билан иш олиб борувчи ҳамда шу соҳаларни бошқариш, режалаштириш ва назорат қилиш бўйича турли-туман масалаларни ҳал қилувчи турли даражадаги маъмурий-хўжалик хизматларини ҳамда энг асосийси қишлоқ хўжалик соҳасини ишончли, кўп қиррали ахборотлар билан таъминлашдан иборатдир. Ахборотлар билан таъминлаш тамойиллари, ердан фойдаланувчиларга кадастр тизимини, ер ва кўчмас мулк тўғрисидаги автоматлаштирилган маълумотлар банки хизматини ташкил этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Масаланинг қўйилиши. Кадастр баҳолашнинг устувор мақсади – ер муносабатларини давлат томонидан тартибга солишда меъёрий – ахборот таъминотидир [3]. Шу сабабли, геоахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорликни янада оширади. Маълумки, геоахборот тизимининг асосий вазифалари – бу фазовий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш орқали автоматлашган рақамли маълумотлар базасини яратиш, уни келгусида таҳлил қилиш ва босмага чиқариш учун сақлашдан иборат [4, 5, 6, 7]. Республикамизда ердан фойдаланувчи субъектларнинг (ЕФС) сони, майдони, тупроқ сифати, ижтимоий-иқтисодий, экологик ва ташкилий

тизимларини ҳамда ресурслар таъминотини муттасил ўзгартириш жараёнида ер кадастри ахбороти базасини яратиб ва уни амалиётда қўллаш заруриятини туғдирмоқда. Бунда бирламчи ахборотлар манбаи бўлиб, ер контури ҳисобланади.


Ечиш методикаси. Давлат ер кадастри тизимининг маълумотлари давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий кучга эгадир. Шундай ҳолда, республикаимиз иқтисодийнинг турли тармоқларида ягона иқтисодий организм сифатида фойдаланиш бўлиши, барча соҳа ва тармоқларга жадал татбиқ этилиши, ягона иқтисодий организм сифатида агросаноат мажмуасининг фаолият кўрсатиши, ердан фойдаланишда янги ва устувор йўналишларни татбиқ этишни талаб қилади [8, 9, 10, 11]. Ер кадастрининг ахборот таъминоти жараёни кўп қиррали ва ҳажмдор ахборот алмашишнинг кенг кўламини қамраб олади. Маълумки, ер ахборот тизими деганда мамлакат ер ресурсларининг ҳолати, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳақидаги маълумотлар тизимини тушуниш керак. Фақат тартибли ёндашишга жамият фаолиятининг турли соҳаларида ва халқ хўжалигининг тармоқларида ернинг миқдорий ва сифатий характеристикаларини етарлича тўлиқ, батафсил, аниқ ва объектив равишда ўрганишга имкон беради [12, 13].

Ер участкаси – бирламчи маълумотлар манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ер кадастри объектлари ўртасида ер участкасининг аҳамияти катта. Ер участкалари, бинолар ва иншоотларни Ўзбекистон Республикасида идентификациялаш тизими ягона принцип бўйича яратилади, унга ер участкасининг кадастр рақами асос қилиб олинади [14, 15, 16]. Кўп йиллик тадқиқотлар асосида ер контури майдонлари қайдномаси замон талаби даражасида расмийлаштириш учун қуйидаги тавсия ва мунозараларли ҳолатларни қайд этиш ўринли деб ҳисобланади: биринчидан амалиётда 2 та ер контури чергараси сифатида белгиланган чизиқли объектлар майдонлари мазкур бўлганда ҳар иккита контурга тенг бўлиб қайд этилади. 2 ёки 3 контурли чизиқли объектлар қўшни контурлар умумий майдонига қўшиб ёзилади. Масалани назарий, методологик ва амалий жиҳатдан сўровномалар ёрдамида ва амалий ҳолатни тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатадики, юқорида қайд этилган ҳолатлар асосий ва жорий ер ҳисобини юритишда ноаниқлик ва хатоларга сабаб бўлиши мумкин. Шу ўринда ер участкаси таркибига кирувчи ер контурлари унга тегишли маълумотларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Ер контурини шакллантириш шартлари 1-расмда изоҳланган.

1-расмдан кўринадик, ҳар бир ер контури ўзининг чегараси, майдони ва тартиб рақамига эга бўлган ҳолда чегара узунлиги ва майдонига, ер тури майдони, рельефи, алоҳи-да тартиб рақамига эга бўлган ҳолда белгиланган тартибда шакллантирилади. 2-расмда ер контурини ер участкаси таркибига шакллантириш тизими акс эттирилган. Шартли равишда ер участкаси таркибига кирувчи ер контурлари асосан 3 турдан иборат ҳолда номланиши мумкин. Биринчи гуруҳ бевосита қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлар, иккинчи гуруҳ билвосита фойдаланиладиган ерлар ва учинчи гуруҳга ўзга ердан фойдаланувчи субъектларнинг ер участкалари кириши мумкин. 2-расмда учинчи гуруҳ ер контурлари акс эттирилмаган.

Қуйида амалдаги ер контурларини тартиб рақамларини ва чегараларини белгилашдаги камчиликлар ва уларни тақомиллаштириш бўйича хулоса ҳамда таклифлар берилди:

Биринчидан, ушбу камчиликларни бартараф қилиш учун ҳар бир ер контурини яхлит майдон сифатида белгилаб, унга алоҳида тартиб рақами бериш зарур. Чунки ҳозирги




1-расм. Ер контурининг шакллантириш шартлари ва таркиби

Жамиятни глобал ахборотлашув давридаги инновацион технологияларни инқилобий ўзгаришлар жараёнида ер участкаларидаги ер контурларининг тартиб рақамларини шакллантириш ва шунга мос бўлган майдон ҳисоблаш ишларини олиб боришда ҳеч қандай ташкилий-техник тўсиқлар йўқлиги ҳам бу борадаги сусткашликка сабаб бўла олмайди. Масалан, пахта-ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган битта фермер хўжалигига 100,0 гектар ер майдони ажратилган бўлса, экин майдонлари 80,0 га, чизикли иншоотлар 10,0 га, бошқа объектлар 10,0 га. ни эгаллаган ва ҳар бир ер

ноаниқликлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, чизикли объект кўчмас мулк сифатида алоҳида ердан фойдаланувчи субъект сифатида ўзини намоён қилиши мумкин. Бунда чегарадош ер фойдаланувчи ер участкасининг чегараси бўйлаб ўтган чизикли объект майдонига умуман алоқадор бўлмайди. Яъни, чегара объектнинг майдони ер контури майдонига қўшилмайди деган хулосага келиш мумкин.

Тўртинчидан, ер контури майдони қамровидаги объектлар (дала шийпони, артезиан кудук, партов ер, дўнглик, чуқурлик, ташландиқ ва бошқалар) жойлашган бўлса



2-расм. Ер контурини ер участкаси таркибида шакллантириш тизими

контурлари сони 30 тани ташкил этса, махсус қайдномада ер контур-бир рақам тамойилини қўллаган ҳолда майдон-қайд этилганда ўлчов натижаларини қайд этишда ҳеч қандай ноаниқлик ёки хатоликларга йўл қўйилмайди.

Ушундан, жойнинг харитадаги ер ҳисобини қайд қилишда махсус электрон дастурдан фойдаланиш эвазига ер участкасида содир бўладиган ер контурларининг тартиб рақамлари ва майдонидаги ҳар бир ўзгариш автома- тик равишда тузатмалар ёрдамида 1000 гектар майдонига 1 м² аниқликдаги маълумотларни онлайн кўри- шиб олиш имкониятини яратади.

уларга ҳам алоҳида тартиб рақами берилиши шарт бўлади. Акс ҳолда амалда кузатилаётган ахборотларни бузиб кўрсатиш, "бошқа ерлар" таркибига қўшиб ёзиш, рақамлардаги чалқашликларни пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Бешинчидан, юқорида қайд этилган майдонлар қайд-номадаги маълумотлар асосида, ЕФС, МФЙ, туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри ва Республика даражасида миллий ер балансини тузишда ер участкаси майдонлари контурлар кесимидаги ўлчовлар асо- сиида бажарилганда аниқлиги ортади, натижаларни таҳлил

қилиш, тизимлаш ва зарурий хулосалар асосида ердан янада самарали, тўлиқ, унумли ва тежамкорлик асосида фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирларни илмий-услубий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқишда ягона методологик ёндошувни ташкил қилишга услубий асос яратади.

Олтинчидан, маълумки республикада фаолият кўрсатаётган ердан фойдаланувчи субъектлар сони 6,0 млн.га яқин бўлиб, уларга 6,5 млн. дан ортиқ ер участкалари бириктирилган. Демак, ер участкаларининг сони ердан фойдаланувчи субъектлар сонидан 8-10% ортиқлиги кузатилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, айрим ердан фойдаланувчи субъектлар таркибига икки ва ундан ортиқ ер участкалари бириктирилган. Маълумки, ердан фойдаланувчи субъектнинг ер баланси унга бириктирилган ер участкаларини майдонлар йиғиндисига тенгдир. Ўз навбатида ер участкасининг ер баланси эса ер контурлари майдонларининг йиғиндиси деб эътироф этиш мумкин. Албатта, бунда ер участкаси ҳудудида жойлашиши мумкин бўлган ўзга ердан фойдаланувчиларни бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмаслигини эътиборга олиш зарур бўлади.

Еттинчидан, ер участкасининг чегараси қамровида ўзга ердан фойдаланувчиларнинг ер участкалари жойлашган бўлса, чегара элементи бўлган объектларнинг ҳар бири алоҳида ер контури тартиб рақамига эга бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Агар ўрганилаётган объектда жойлашган ўзга ердан фойдаланувчининг ер участкаси чизикли объект сифатида қўшни ер участкалари ҳудудида давом этса, ушбу объект тўғрисида ердан фойдаланишга оид маълумотларни алоҳида изоҳлаб улардан ҳам янада самарали фойдаланиш бўйича ер кадастри мутахассиси тавсиялар бериши шарт ҳисобланади.

Саҳизинчидан, ер участкаси таркибидаги ер контурининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари унинг умумий ер кадастри ахборотларини шакллантиришга хизмат қилишини инобатга олсак, ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига юқори ташкилотларга тақдим этиладиган ЕФС, маҳалла фуқаролар йиғини, туман (шаҳар) ер баланси ахборотларининг шаффофлиги, ҳаққонийлиги ва ишончлилиги ҳар бир ер контури даражасида шаллантириладиган ер кадастри маълумотларининг сифатига бевосита боғлиқлигини кузатилади.

Маъмурий туман ҳудуди даражасидаги ер кадастр ахборот базасини замонавий кўринишда ва талаб даражасида юритиш учун марказлашган маълумотлар банкни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамиятга эга. Демак, дастлабки ҳужжатлар ер участкаларининг таркибидаги ер контурларининг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлиши керак. Ер кадастри ахбороти оқимининг асосини ташкил этувчи бошланғич маълумотлар ерга эгалик қилиш даражасида шакллантирилади. Бунда маълумотлар оқими турлича омиллар таъсири остида ўзининг ҳолатини ўзгартириб барча даражаларда изчил ўтади. Баъзи кўрсаткичлар вақти билан ўзининг таркибини ўзгартиради ёки бошқаришнинг муайян даражаси учун аҳамиятини йўқотади, бошқалари, аксинча муҳим бўлиб қолади.

Таҳлил босқичи. Майдонларни ер контури бўйича қайдномаси биринчидан, ер участкасига тегишли ер контурлари бўйича махсус кўрсаткичлар жадвалида қайд этилиб борилади. Аммо битта контур учун жадвалда 33 тагача майдон кўрсаткичи белгиланган. Ер участкасининг контурига рақам беришда уларни сонини чегаралаш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар бир ер контури алоҳида тартиб рақами, майдони ва чегара белгиларига эга бўлиши шарт. Тўғри, амалдаги йўриқномаларда ер контури чегараларини аниқ майдони 0,01 га

аниқликда этиб белгиланган. Аммо, ер контури чегараларини бўйлаб белгиланган амалдаги чизикли объектлар (суғориш, зах қочириниш ва дала йўллари, ихота дарахлари, тўғри доналарини аниқлаш ва ер контурларига бириктириш)нинг методик ёндошувларда ноаниқликлар мавжудлиги кузатилади. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишга оид маълумотлар базасини яритиш маълумотларни олиш ва тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш, тўплаш ҳамда қайта ишлаш, бу ўзгаришларни ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларида ёритиб бориш каби мураккаб жараёнларни қамраб олувчи Шунинг учун бундай мураккаб жараённи соддалаштириш ва участкаси тўғрисидаги, ундан фойдаланиш ва умуман ағён-замон талаб даражасида ушлаб туриш тезкор равишда зарур ахборот технологияларидан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ер кадастри ахборот технологиялари ер участкаси ва унга тегишли ахборот ёки ҳодисалар, яъни ер ресурсининг ҳолати ҳақидаги янги сифатли ахборотни олиш учун маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш восита ва услублари жамланмасидан фойдаланувчи жараён дидир. Ер кадастри-ахбороти технологиялари жамият ахборот захираларидан фойдаланишнинг энг муҳим жараёни ридан биридир. Ҳозирги пайтга келиб у бир неча эволюцион босқичларни босиб ўтиш, улардан ҳар бирининг аниқлиги нуви асосан фан ва техника тараққиётининг ривожланиши, ердан фойдаланишга оид ахборотларни қайта ишлашнинг янги техник воситалари пайдо бўлиши билан белгиланади. Иқтисодийнинг муҳим соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигида оид ер кадастри ахборотларини қайта ишлаш технологияларининг асосий техник воситаси бўлиб шахсий компьютерларнинг қилаяпти, у технология жараёнларни кўриш ва ундан фойдаланишга ҳам, сёрнатижа ахборот тизимига ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Шахсий компьютерни ахборот соҳасида жумладан, ер кадастрини юритишда тадбиқ қилиниши ва алоқанинг телекоммуникация воситаларида қўллаш ахборот технологияларни ривожланишида янги замонавий бошқариш бошлаб берди. Тезкор техник ҳисоб алоҳида хўжалик қўмушларини бажариш жараёнида уларга жорий раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш воситасидир [17, 18, 19].

Хулоса ва тавсиялар. Ҳозирги кунда республикамизда 169339 та фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корпорациялари фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 154331 та фермер хўжалиги шаклида Уларнинг ҳар бирида ўртача 35 тадан ер контурлари белгиланган. Демак, жами ер контурларининг сони 5 млн. 400 минг 585 тани ташкил қилади. Ер участкаси майдонларининг майдон унга бириктирилган ер контурлари майдонларининг йиғиндисидан иборат эканлигини ҳисобга олганда юқорида аҳамияти ҳамда муҳимлиги эътироф этилади. Юқоридаги қайд этилган муаммолар ва тавсия этиладиган чора-тадбир аҳамияти ҳамда муҳимлиги эътироф этилади. Юқоридаги фикр-мулоҳаза ва тадқиқотлар натижасига суянган ҳолда ердан фойдаланувчи субъектлар тасарруфидаги ер участкаси қамровидаги ер контурлари ер кадастрининг бўлиши бўлади. Умумий хулоса сифатида қайд этилганда, ер участкаси, ердан фойдаланувчи субъект, маҳалла фуқаролар йиғини, туман (шаҳар), вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Республика миқёсида юритилган ер кадастрининг умумлашган ахборотлари ер участкаси бўйича олинган маълумотлар асосида шаклланиши мумкинлигини дон иборат бўлиши зарурлигини қайд этилади.

№	Адабиётлар	References
1	Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // "Irrigatsiya va melioratsiya" журналі. 2017. №4(10). – Б. 70-75 б.	Mirziyoyev Sh.M. <i>Uzbekistan Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevining kishlok khuzhaligi khodimlari kuniga bagishlangan tantanali marosimdagi nutki</i> [Speech by President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyayev at the solemn ceremony dedicated to the Day of Agricultural workers]. <i>Irrigatsiya va melioratsiya</i> . No 4(10). 2017. Pp. 70-75. (in Uzbek)
2	Варламов А.А., Севостьянов А.В. Земельный кадастр. – Москва, Колос, 2006, Том 5. – 265 с.	Varlamov A.A., Sevost'yanov A.V. <i>Zemelnyy kadastr</i> [Land Cadastre]. Moscow. Kolos, 2006, Volume 5. 265 p. (in Russian).
3	Варламов А.А., Севостьянов А.В. Земельный кадастр. Том 4. Колос, 2006, 265 с.	Varlamov A.A., Sevostyanov A.V. <i>Zemelnyy kadastr</i> [Land Cadastre]. Volume 4. Kolos, 2006, 265 p. (in Russian)
4	Временные указание по составлению и оформлению земельно-кадастровых карт и планов РД-34-021-00. – Ташкент, 2000, – 18 с.	<i>Vremenniy ukazanie po sastavleniyu i oformleniyu zemelno-kadaastrovikh kart i planov</i> [Temporary instructions on the preparation and execution of land cadastral maps and plans] RD-34-021-00. Tashkent, 2000, 18 p. (in Russian)
5	Временные указания по составлению и оформлению земельно-кадастровых карт и планов. РД-34-0212-00. – Ташкент, 2002, – 22 с.	<i>Vremenniy ukazanie po sastavleniyu i oformleniyu zemelno-kadaastrovikh kart i planov</i> [Temporary instructions on the preparation and execution of land cadastral maps and plans]. RD-34-0212-00. Tashkent, 2002, 22 p. (in Russian)
6	Болтаев Т.Х., Рахмонов Қ.Р., Акбаров М.С. Геоахборот тизимининг илмий асослари. – Тошкент, 2016. – 284 б.	Boltaev T.K., Rakhmonov K.R., Akbarov M.S. <i>Geoakhborot tizimining ilmiy asoslari</i> [Scientific bases of Geoinformation systems]. Tashkent 2016, 284 p. (in Uzbek)
7	Мартыненко А. И., Бугнаевский Ю. Л., Шибалов С.Н. «Основы ГИС, теория и практика». – Москва, 1995. – 232 с.	Martynenko A.I., Bugaevsky Yu.L., Shibalov S.N. <i>Osnovy GIS, teoriya i praktika</i> [Fundamentals of GIS, theory and practice]. Moscow, 1995, 232 p. (in Russian)
8	Рахмонов Қ., Ашуров А. Худудлар давлат кадастри. – Тошкент, 2018. – 114 б.	Rakhmonov K., Ashurov A. <i>Khududlar davlat kadastr</i> [State Bank of Geographical Data of Regions]. Tashkent 2018, 114 p. (in Uzbek)
9	Рахмонов Қ., Нарбаев Ш., Муқимов З. Ер ресурсларини бошқариш. – Тошкент, 2018. – 154 б.	Rakhmonov Q., Narbaev Sh., Mukimov Z. <i>Er resurslarini boshkarish</i> [Land management]. Tashkent 2018, 154 p. (in Uzbek)
10	Авезбаев С., Волков С.Н., Ер тузиш иқтисоди. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 640 б.	Avezbaev S., Volkov S. <i>Ertuzish iktisodi</i> [Economics of land management]. Yangi asr avlodi, 2002, 640 p. (in Uzbek)
11	Волков С.Н. Экономика землеустройства. – Москва: Колос, 1996. – 560 с.	Volkov S.N. <i>Ekonomika zemleustroystva</i> [Economics of land management]. Moscow. Kolos, 1996, 560 p. (in Russian)
12	Чертовичкий А.С., Свайнов А.А. Ер ахборот тизими. – Тошкент, 2016. – 152 б.	Chertovitsky A.S., Svainov A.A. <i>Er akhborot tizimi</i> [Land Information System]. Tashkent 2016, 152 p. (in Uzbek)
13	Умурзаков Ў.П., Рахмонов Қ.Р. Ер кадастри-ахбороти базасини яратиш самарадорлиги // "Irrigatsiya va melioratsiya" журналі. – Тошкент, 2017. №3(9). 42-52 б.	Umurzakov U.P., Rakhmonov K.R. <i>Er kadastr-akhborot bazasini yaratish samaradorligi</i> [Effectiveness of creating an Earth-database]. Journal "Irrigatsiya va melioratsiya". Tashkent, 2017. No3(9). Pp. 42-52 p. (in Uzbek)
14	Рахмонов Қ.Р. Ер участкасини шакллантириш шартлари. "Irrigatsiya va melioratsiya" журналі. – Тошкент, 2017. №4(10). – Б. 67-69 б.	Rakhmonov K.R. <i>Er uchastkalarini shakllantirish shartlari</i> [Conditions of land parcel formation]. Journal <i>Irrigatsiya va melioratsiya</i> . Tashkent, 2017. No 4(10). Pp. 67-69. (in Uzbek)
15	Ашуров А., Усманов М., Успанкулов Б. Бино ва иншоотлар давлат кадастри. – Тошкент, 2018. – 120 б.	Ashurov A., Usmanov M., Uspankulov B. <i>Binolar va inshootlar davlat kadastr</i> [State cadastre of buildings and structures]. Tashkent, 2018, 120 p. (in Uzbek)
16	Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси" – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.	<i>Uzbekistan Respublikasi Er kodeksi</i> [Land Code of the Republic of Uzbekistan] Tashkent, Uzbekistan, 1998. (in Uzbek)
17	Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. – Тошкент, 2014, – 189 б.	Bobojonov A.R., Rakhmonov K.R., Gafirov A.J. <i>Er kadastr</i> [Land Cadastre]. Tashkent. 2014, 189 p. (in Uzbek)
18	Рахмонов Қ.Р. Маъмурий туманда ер кадастри ахборот таъминоти тизимини такомиллаштириш "Irrigatsiya va melioratsiya" журналі. – Тошкент, 2016. №4(6). – Б. 63-66.	Rakhmonov K.R. <i>Ma'muriy tumanda er kadastr akhborot ta'minot tizimini takomillashtirish</i> [Improving the information system of the land cadastre in the administrative district]. Journal "Irrigatsiya va melioratsiya". Tashkent. 2016. No4(6). Pp. 63-66. (in Uzbek)
19	Рахмонов Қ., Ойматов Р. Табиий ресурслар кадастри. – Тошкент, 2015. – 170 б.	Rakhmonov K., Oymatov R. <i>Tabiiy resurslar kadastr</i> [Cadastre of natural resources]. Tashkent 2015, 170 p. (in Uzbek)